

II-МАХСУС ОЛИМПИАДА ҲАМКОРЛИГИ ЯҚУНЛАНДИ

Пойтахтимизда ақли заиф ва имконияти чекланган болалар ўртасида Марказий Осиё давлатларининг II-махсус олимпиада ўйинлари якунланди...

ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 15 ноябр, сешанба № 183 (2024)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 14 ноябр кўни расмий ташриф билан Россия Федерациясига жўнаб кетди...

Президентимиз бу ташрифдан кутилаётган натижалар ва уларнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб, жумладан, қўйидаги фикрларни билдирди. Бизнинг Россия Федерациясига, унинг пойтахти бўлими Москва шахрига бу галги расмий ташрифимиз, ўйлаётганимиз, икки давлат алоқаларининг янги тарихида алоҳида ўрин эгаллайди...

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ - ИТТИФОҚЧИ ДАВЛАТЛАР

МОСКВА, 14 ноябр. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 14 ноябр кўни расмий ташриф билан Россия Федерациясига кетди. Кремлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ўртасида яққамма-яққа учрашув бўлиб ўтди...


долзарб халқро ва минтақавий муаммолар юза-сида фикр алмашиш учун қўлай имконият яратмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар кўп қиррали, ҳамкорлик барча йўналишларда ривожланиб бормоқда...

ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ: ИШОНЧ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон вилоятларининг Урал, Москва, Санкт-Петербург, Татаристон билан минтақавий ҳамкорлиги ривожланиб бормоқда...

Шарҳ

лайдиган мамлакатларда ҳам кам сонли миллатларнинг ҳақуқлари камситилаётганини ҳақиқатда хабарларни ўқиб ёки эшитиб қоламиз. Хориждагилар бизда ҳеч қачон бундай ҳолат бўлмаганлигини ва бўлиши мумкин эмаслигини билишармикан?...



СОВГАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ҳар бир одам ҳаётида бир умр ёйда қоладиган хаяжонли дақиқалар бўлади. Никох тўйи - қалблар меҳрмуҳаббат, бўлажак бахтли турмуш ҳақидаги ширин орозулар, қувончли ташвишлар билан тўлиб-тошади...

Президентимиз Ислам Каримов бундан икки йил аввал Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ўқув-машгулот маркази очилишида иштирок этиб, ушбу маромида қатнашган Чирчиқ олий танк кўмондон-муҳандислик билим юрти курсантлари билан суҳбатлаган эди...

ЗАВОД ИШГА ТУШИШ АРАФАСИДА

«Қорақалпоқ дехқон қурилиш», «Оролсувқурилиш» бирлашмалари ҳамкорлигида заводнинг технологик қисмини лойihalаш ва қуриш ишлари қизғин давом эттирилмоқда...

Қўнғирот сода заводи фойдаланишга топширилиши билан бир ерда 1500 нафар маҳаллий аҳоли иш билан таъминланади.

Суратларда: ишчи Алимбой Қошетоеров; оператор Аймирза Алмуродов.



Бепойён Устирт чули қучоғида жойлашган «Элобод» шахарчаси худудида қад ростлаётган асримизнинг йирик қурилишларидан бири Қўнғирот сода заводида айни дамда охириги монтажлаш ишлари ниҳояланиш арафасида турибди.

Сурхон заминидан тўғри сўзни, мардлик ва ориятни юксак қадрлашади. Бу вилоятда яшаётган гурури баланд инсонлар ютуқни ютук деб, камчилиқни камчилик деб, юзга очик айтишни маъқул қўришади...

Давлатимиз раҳбари Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг 2004 йил июнида бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида вожа меҳнаткашлари олдида турган долзарб вазифаларни аниқ-равшан белгилаб берганди...

Бу каби камчилик ва нуқсонлар оқибатида вилоятда давлатга пахта топшириш режаси ўлжа-ўлжа қолиб кетди. Термиз, Ангор, Шеробод, Музабот, Жарқўрғон, Бандихон, Қизирқил туманлари заршунослари ер чизиб қолдилар...

Музабот туманидаги меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси бўлишга даъват этилган касаба уюшмаларининг ҳам муштаҳамланмаганлиги сабабли бажарилмай қолди. Хал қилувчи дамларда касаба уюшма етакчилигида шижоат сезилмади...

Яхшидир аччиқ ҳақиқат

Йилда давлатга пахта топшириш режаси барбод этилди. Гектардан 11,7 центнердан хирмон кўтарилди ҳолос. Бу бир четки хўжалик, сарф-ҳаражатнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетганлиги оқибати ҳамдир.

Фаллачиликда ҳам муаммолар оз эмас. Эндиликда энг унумдор, суви ерларда дон етиштириб келинмоқда. Тўғри, мавжуд имкониятлардан умумий фойдаланган Сароисиё, Денов ва бошқа қатор туманларда баракали ҳосил кўтарилди. Даромад ҳам чакки бўлмади...

МУДРОҚЛИК

Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари фаолиятида йўл қўйилаётган камчиликларнинг туб сабаблари ва сабоқлари

айби бор. Негаки, ҳал қилувчи бўғинларда қўнғина бошланғич ташкилотларнинг жанговарлиги таъминланмади. Йиғим-терим мавсумида дала меҳнатчиларига мададкор бўлиш, маданый-маиший тadbирларни амалга ошириш, меҳнатни муносиб равишда рағбатлантириш кутилган даражада бўлмади.

Халқимизга аёниқ, у тараққиётнинг катта йўлидан четга чиқиб қолади, ўз мақсад-маддаоларига етолмайди деган сўзлари қанчалик ҳаётийлигини вақт кўрсатди. Гап шундаки, аввало базис раҳбару мутахассислар муйайин натижалар билан қилди, лозим даражада омилкорлик, қатъиятлик ва ташаббускорлик кўрсатолмадилар. Кимлардир тараққиётга тўғаноқ бўладиган чиркин иллатлардан ҳалос бўла олмади...





